

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5220100- 3.01  
2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2016 йил “22” 01

**ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ  
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот  
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент — 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

**Нурматов А.** – ф.ф.н., ЎзДЖТУ халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти кафедраси доценти.

**Намозова Н.** – ЎзДЖТУ халқаро журналистикаси назарияси ва амалиёти кафедраси доценти.

#### **Такризчилар:**

**Нишонова Г. М.** – ЎзМУ оммавий коммуникация ва реклама кафедрасининг доценти. *(турдош ОТМ)*;

**Раҳимов А.** – «Ma’rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист *(кадрлар буюртмачиси)*.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фани жаҳон ва Ўзбекистонда матбуотнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиётининг асосий тамойиллари тўғрисидаги билимларни беради. Шунингдек, жаҳон ва миллий журналистикада турли даврларда пайдо бўлган нашрлар, уларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари, етакчи публицистларнинг ижоди ҳақида билим беради. Фан мавзулари турли давр журналистикасининг муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқлиги талабаларда умумий журналистика тарихи ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилади.

### Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга жаҳон ва Ўзбекистонда журналистиканинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тараққиёти тенденциялари ҳақида тизимли билим беришдан иборат.

**Фаннинг вазифаси**– уни ўрганувчиларга:

- жаҳон журналистикасининг пайдо бўлиши;
- дастлабки газеталарнинг чоп этилиши;
- турли ижтимоий-сиёсий жараёнларда матбуотнинг аҳамияти;
- матбуотнинг ривожланишида ижодкор (журналист) шахсларнинг ўрни;
- умуман жаҳон ва миллий журналистика тараққиёт тенденциялари ва қонуниятлари ҳақида тасаввур уйғотишдан иборат.

### Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- жаҳон журналистикаси тарихи умумий курси давлат университетлари журналистика факультетлари ва бўлимларида ўқитиладиган касбга дахлдор ўқув предметлари таркибига кирувчи мустақил фан эканлиги;
- Қадимги Юнонистон, Рим, Ўрта аср Европасида оғзаки ва ёзма публицистика мафкуравий таъсир этишнинг асосий воситаси эканлиги;
- XVI–XIX асрларда Европада даврий матбуотнинг юзага келиши ва ривожланиши;
- XVII аср инглиз инқилоби (1644) матбуотининг ўзига хос хусусиятлари;
- 1789 йил 26 август Франция Миллий мажлиси томонидан қабул қилинган “Инсон ва гражданлик ҳуқуқлари Декларацияси”да матбуот эркинлиги ғоясининг асосланиши;
- XVIII–XIX аср бошида Америка давлатлари даврий матбуоти шаклланишининг хусусиятлари;
- Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушларидан кейинги даврда дунё журналистикаси тараққиётининг асосий хусусиятлари;
- Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда матбуот марказлашув (концернлашуви) жараёнининг кучайиши;
- жаҳон журналистикаси тарихида мавжуд бўлган назариялар;
- Ўзбекистон журналистикаси жаҳон журналистикасининг узвий қисми эканлиги;
- Туркистон (Ўзбекистон)да матбуотнинг юзага келиши арафасида сиёсий-ижтимоий вазият;
- Ўзбекистон журналистикаси босиб ўтган даврдаги ижтимоий тузум **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- жаҳон журналистикаси тарихини ўрганишга системали ва комплекс ёндашишни;
- ижтимоий муомала воситаси – публицистиканинг пайдобўлишини;
- дастлабки газета ва журнал мақомидаги нашрларнинг ташкил топишини;

- XVIII асрохири – XIX асрда француз даврий матбуотининг асосий типлари ва кўринишларини;
- АҚШ журналистикаси шаклланишининг хусусиятларини;
- АҚШ журналистикаси тарихий тараққиётида истеъдодли репортёрлар, муҳаррирлар, ноширларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини;
- XIX аср охири – XX аср бошида жаҳонда рўй берган иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ўзгаришлар ва уларнинг матбуот равнақиға таъсирини;
- Ўзбекистон журналистикаси тарихини даврлаштиришни;
- Туркистонда матбуотнинг юзага келиши давридаги ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий-ижтимоий омилларни;
- жадид матбуоти – “Тараққий”, “Хуршид”, “Шухрат”, “Осиё”, “Тужжор”, “Бухорои шариф”, “Туркистон”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон” ва “Садои Фарғона” газеталарини, “Ойна” журнали фаолиятини;
- 1917 йил Февраль инқилобидан кейинги Туркистон матбуотининг аҳволи, янги нашрларнинг юзага келишини;
- сиёсий ташкилотларнинг пайдо бўлиши, жадидлар билан уламолар ўртасидаги курашнинг матбуотда ифодаланиши, Туркистон миллий матбуотида акс этган эрк ва озодлик учун кураш ғоясини, мухторият учун ҳаракат ва унинг матбуотдаги ифодасини;
- 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва матбуот соҳасидаги сиёсати, совет матбуотининг пайдо бўлиши, унинг моҳияти, вазифаси ва принципларини;
- Ўзбекистон журналистикаси бир партиявийлик, яққа мафкура ҳукмронлиги даврида қандай ҳолатда бўлганлиги, турли кампаниялар ўтказилишида шўро матбуотининг ташвиқотчилик, тарғиботчилик ва ташкилотчилик вазифаси нимадан иборат бўлганини;
- Ўзбекистон матбуотининг фашизмга қарши кураш йилларидаги ҳолатини;
- “турғунлик йиллари” да Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ҳолатини;
- Мустақиллик даври ўзбек матбуоти хусусиятлари, янги типдаги матбуотнинг юзага келишини **билиши ва улардан фойдалана олиш;**
- жаҳон журналистикаси тарихини ўрганишга системали ва комплекс ёндашиш;
- матбуот ва унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни;
- босма сўз тарихининг озодлик, кишилик жамиятида инсонпарвар, умумдемократик қонун-қоидаларни қарор топтириш учун кураш тарихи билан узвий боғлиқлигини ўрганиш;
- АҚШ ва Европа журналистикаси шаклланишининг хусусиятларини фарқлай олиш;
- жаҳон журналистикаси тарихий тараққиётида истеъдодли репортерлар, муҳаррирлар, ноширларнинг маҳоратини ўзлаштириш;
- Ўзбекистон журналистикаси тарихини даврлаштириш;
- Мустақиллик даври ўзбек матбуоти хусусиятлари, янги типдаги матбуотнинг юзага келиши;
- Мустақиллик даври Ўзбекистон матбуоти системаси;
- Ўзбекистон матбуотининг “тўртинчи ҳокимият” мақомига эришиш йўлидаги фаолиятини билиш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” – умумқасбий фан ҳисобланади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасида режалаштирилган “Жаҳон журналистикаси асослари”, “Журналистик ижод маҳорати асослари”, “Паблик

релейшнс ва реклама”, “Журналистик ижодда психологик ва социологик усуллар” сингари фанларидан билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фани журналистика соҳасига тааллули барча билимларни узвийликда ўрганилишини тақозо этади. Шу боис, уни ўрганиш орқали соҳадаги барча воқеликларни қиёслаш ва солиштириш илмий-амалий жиҳатдан самара беради.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларида фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга анъанавий маърузаларини тарихий йўналишдаги диафильм, кинофильмлардан парчалар, расмлар, портретларни намойиш этиш орқали бойитиш яхши самара беради. Ўқитувчи зарур ўринларда интерактив усуллардан, педагогик технологияларнинг бошқа усулларида ҳам ўз ўрнида фойдаланиши мумкин.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **Жаҳон журналистикаси тарихи**

#### **Қадимги Юнонистон, Рим ва Ўрта аср Европасида коммуникация воситалари**

Ижтимоий муомала воситаси – публицистиканинг пайдо бўлиши. Оғзаки ва ёзма публицистика мафкуравий таъсир этишнинг асосий воситаси эканлиги. Антик давр жамиятида долзарб, сиёсий жиҳатдан муҳим ғояни тарғиб этишда оғзаки нутқнинг аҳамияти. Нотиклик ва суҳандонлик санъати, унинг публицистика тараққиётидаги ўрни. Нотиклик санъати равнақини рағбатлантирган асосий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий омиллар. Антик даврда император Юлий Цезарь ташаббуси билан ташкил этилган “Кундалик ахборотнома” оммавий газетанинг дастлабки ибтидоси сифатида.

#### **XVII–XVIII асрларда Европада даврий матбуот пайдо бўлишининг шарт-шароитлари**

Дастлабки газета ва журнал мақомидаги нашрларнинг ташкил топиши. Жамиятда ахборотга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши натижасида Европада ахборот йиғиш ва уни нашрга тайёрлаш билан шуғулланувчи дастлабки ахборот марказларининг ташкил топиши. Даврий матбуот нашрларининг юзага келишида ва тараққий этишида босмаҳоналарнинг, почта хизматининг аҳамияти. Матбуотнинг қудратли сиёсий кучга айланиб бориши. Ҳукмрон табақаларнинг матбуотдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилишининг кучайиши. Матбуот эркинлиги учун кураш.

#### **Француз буржуа революцияси даври матбуоти**

XVIII асрда француз матбуотининг тараққиёти. 1789–1794 йиллардаги Буюк француз инқилоби даврида асосий масалаларни ёритувчи сиёсий матбуотнинг вужудга келиши. Мазкур давр француз даврий матбуотининг асосий типлари ва кўринишлари.

Матбуотнинг техник имкониятлари. Даврий нашрларнинг даромадманбалари. 1789 йил 26 август Франция Миллат Мажлиситомонидан қабул қилинган «Инсон ва гражданлик ҳуқуқлари Декларацияси» да матбуот эркинлиги ғоясининг асосланиши. Ж.П.Марат, К.Демулин, М.Робеспьер ва бошқалар – буюк француз инқилобининг етакчи публицистлари.

### **XVIII аср ва XIX аср бошида Америка даврий матбуоти**

АҚШ журналистикаси шаклланишининг хусусиятлари. Мамлакат матбуотининг Европа китъасидан Америкага келиб қолган муҳожирлар, хусусан, инглизлар томонидан асосланиши. Ҳозирги замон Америка матбуотининг илк намуналари. Инглиз тилида чоп этилган “Бостон нюзлеттер”(1704), “Зе газетта”(1719), “Американ уикли”(1725) газеталарининг қиёфаси ва мазмуни. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Америка даврий матбуоти тизимида рўй берган ўзгаришлар. Шаҳарларда турли тилларда таблоидлар (кичик ҳажмдаги босма газеталар) тармоғининг вужудга келиши. Матбуотда Британия мустамлакачилигига қарши кайфиятнинг кучайиши. 1791 йили АҚШ Конституциясига киритилган “Биринчи қўшимча”да сўз ва матбуот эркинлиги муаммолари талқини. XIX аср бошида Америкада фан ва техника ривожланиши таъсирида оммавий матбуотнинг юзага келиши.

### **XIX аср рус журналистикаси**

Рус декабристлари: А.Бестужев, Ф.Глинка, К.Рилеевлар 20-йиллар бошида ҳамкорлик қилган илғор рус матбуот нашрлари. Декабристлар нашр этган альманахлар, журналлар ва уларда тарғиб қилинган ижтимоий ғоялар. 20-йилларнинг охири – 30-йиллардаги рус журналистикаси. “Московский вестник”, “Московский телеграф” журналлари. А.С.Пушкиннинг муҳаррирлик ва публицистик фаолияти. “Литературная газета”(1830–31) газетаси ва “Современник”(1836) журнали. Н.Надеждин томонидан 1831–1836 йиллари чоп этилган “Телескоп” ва “Молва” нашрлари. В.Г.Белинский журналистик фаолиятининг бошланиши. Россияда миллий журналистиканинг шаклланиши.

### **XIX аср охири – XX аср бошида АҚШ журналистикаси**

АҚШ журналистикасининг жаҳон журналистикаси тараққиётидаги тутган ўрни ва аҳамияти. XIX аср охирига келиб Америка журналистикасининг буткул тижоратлашуви. Янги техник имкониятлар: телеграф, телефон, ротацион босма дастгоҳлар ихтиро қилинишининг Америка журналистикаси равнақига кескин таъсири.

Америка журналистикаси тарихий тараққиётида истеъдодли репортёрлар, муҳаррирлар, ноширларнинг тутган ўрни. Жозеф Пулитсер (1847–1931) “Янги журнализм” асосчиси ва “Нью-Йорк уорлд” газетасини ушбу йўналишнинг модели сифатида шакллантиргани. Содда инглиз тили, расм ва ҳажвиялар, шов-шув ва хоказолар газета ададини кўпайтиришда фойдаланилганлиги. Матбуотга “сарик бола саргузаштлари”(Yellow kid) назариясининг олиб кирилиши. Уилям Рендолф Хёрст (1863–1951) –Америка матбуотининг энг йирик намояндаси. Америка матбуоти салбий жиҳатларининг кўпчилиги Хёрст номи билан боғлиқлигининг сабаблари.

### **XIX аср охири – XX аср бошида жаҳон журналистикаси**

XIX аср охири – XX аср бошида жаҳонда рўй берган иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ўзгаришлар ва уларнинг матбуот равнақига таъсири. “Янги журнализм” асрининг бошланиши. Пулитсер АҚШда оммавий тижорат матбуоти – “янги журнализм” асосчиси. Матбуот марказлашув жараёнининг кучайиши. XX аср бошларида Европа ва АҚШда фаолият кўрсатган йирик газета-журналлар. Матбуотга бизнес таъсирининг кучайиши. Матбуот ва реклама. Журналистиканинг тижоратлашуви.

Матбуот системасида журналлар ва ихтисослашган нашрлар тармоғининг ортиши. Ғарб мамлакатларида журналистика таълимини амалга оширувчи махсус ўқув юртларининг пайдо бўлиши. Мазкур давр матбуотининг йирик намояндаси.

Матбуот нашрларини безаш, тарқатиш, уларни тезкор ахборот билан таъминлашнинг такомиллашуви.

### **Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон журналистикаси**

Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда жаҳон журналистикаси тараққиётининг асосий хусусиятлари. Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда матбуот марказлашуви жараёнининг кучайиши. Сиёсий партиялар, оммавий ташкилотлар матбуоти тармоғининг кенгайиши.

Россияда Октябрь тўнтариши ва жаҳонда ишчи социалистик ҳамда коммунистик матбуот ривожиди.

Радиоэшиттиришнинг кашф қилиниши муносабати билан жаҳон журналистикаси тузилмасида содир бўлган ўзгаришлар.

Фашизм ва милитаризм шароитидаги Италия, Германия, Япония матбуоти. Хорижий матбуотда фашизмга қарши курашнинг тарғиб қилиниши.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда Осиё мамлакатлари журналистикаси.

### **Қадимги Шарқда протожурналистика**

Оммавий коммуникациялардан ҳисобланган товушли боғланишлар ёзма шаклга нисбатан олдин пайдо бўлганлиги. Қадимий дунёда овозсиз, яширин боғланишлар бўлганлиги. Шарқда мусиқали коммуникацияларнинг ўзига хос тараққиёти. Белгили коммуникациялар тарихи. Буюмли коммуникацияларнинг ўзига хосликлари. Босма белгилар ва тасвирий коммуникациялар тараққиёти. Кўп нусхалик, яъни расмилар ёзув - пиктография деб юритилиши ҳақида. Осиё мамлакатларининг тўртта катта ҳудудларга бўлиниши: Жанубий-Ғарбий Осиё, Жанубий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ҳамда Шимолий-Шарқий Осиё.

### **Хитой матбуоти тарихи тараққиёти босқичлари**

Қадимги хитойда ёзув тизимининг мураккаблигига қарамасдан, узоқ масофаларга ахборот узатишнинг энг оддий усулига амал қилганлиги. Иероглифларни тошдан ўйиб ясаб уни бўёққа ботириб бирон-бир материалга босиб кўпайтириш усулининг топилганлиги. Қадимги хитой тилида топилган Будда сутраларининг босма варақларнинг энг қадимийси эканлиги. VIII-IX асрларда Хитойда матбаачилик ишлари анча ривожланганлиги.

Хитойдаги илк газеталар. 1949 йилда Хитой Халқ Республикасининг янги типдаги ОАВнинг юзага келиши. “Женминь Жибао” (Халқ газетаси) ХХР нинг етакчи наشري сифатида.

### **Япония матбуоти тарихидан**

“Каварабан” XVII асрда Осака шаҳрида нашр этилган дастлабки япон газетаси сифатида. Бошида хориж газеталарининг (“Бовария Шимбун”, “Шимбунси”, “Сэйо дзасси”, “Тютай шимбун”, “Коко шимбун”) таржималари чоп этилганлиги. “Йокохома шимбун” япон тилидаги илк газета эканлиги. Японияда бирин-кетин кундалик газеталар “Нитинити” (1872 йил), “Хоти” (1873 йил), “Йомури” (1874 йил) кабиларнинг нашр этила бошланди. 1923 йилдаги кучли zilзиладан сўнг Япония матбуоти бугунлай янгитдан юзага келганлиги. Японияда газеталарнинг икки кўриниши: марказий ҳамда ҳудудий матбуотнинг ривожланиши. Ҳозирги кунда Японияда “Асахи шимбун”, “Йомури шимбун”, “Майничи шимбун”, “Ниҳон кэйдзай шимбун” ва “Санкей” каби дунёдаги етакчи газеталар нашр этилаётганлиги.

### **Корея матбуоти пайдо бўлиши ва тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари**

Кореяда сиёсий журналистика тарихи 1883 йилдан бошлангани. Ўша пайтда бир гуруҳ ёш ислохотчилар Ким Оккююн бошчилигида “Хансо сунбо” газетасини босиб чиқаришгани. 1890 йиллардан бошлаб Кореяда ватанпарварлик туйғуси кучайиб борганлиги. 1894-1895 – йиллардаги япон-хитой урушидан кейин Хитойнинг Кореяга бўлган режалари ҳам ўзгарганлиги. Кореяда миссионерлик ва мустамлакачилик матбуотининг пайдо бўлиши ва тараққиёти. XX аср бошида матбаа техникасининг тараққий этиши корейс матбуотига асосий пойдевор бўлганлиги. Ахборот технологияларининг, такомиллашгани сари газета, журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан ривожланиб бориши.

### **Танзимат даври турк матбуоти тараққиёти**

Усмонли империяси даврида илк типографияларнинг пайдо бўлиши. 1839 йил 3 ноябрда Султон Абдул-Мажид томонидан Танзимат (арабча “тартиб”, “қоидалар” каби маънони англатадининг юзага келиши. Танзиматнинг уч босқичга бўлиниши. Танзиматнинг энг йирик намояндalари ва уларнинг маърифатпарварлик ғоялари. Танзиматчилар томонидан чиқарилган илк миллий газеталар ва уларнинг таснифи. Усмонли империяси мустамлакасида бўлган миллатларнинг матбуоти тараққиёти. XIX асрда турк тилида чиққан “Terjimoni ahvol”, “Tasviri efkyar”, “Yeni asr” каби газеталарнинг тавсифи ва таснифи. Ушбу газеталарнинг ташкилотчилари 1865 йилда вужудга келган “Янги усмонлилар уюшмаси” махфий сиёсий ташкилотнинг аъзолари эканлиги. Муҳожирликда чиқарилган турк газеталари. 1923 йилда Туркия Республикаси ташкил этилгандан сўнг турк матбуоти бутунлай янгитдан фаолият юритгани.

### **Араб мамлакатлари матбуоти тарихидан**

Осиё, хусусан араб мамлакатларида журналистиканинг ривожига ўзгача тарзда кечганлиги. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг оғирлиги даврий матбуот ривожига салбий таъсир этгани. Миссионерлик ва мустамлакачилик матбуоти ривожига. Жазоирда чоп этилган “Ахбор” газетаси, Сурия ва Ливанда “Ал-Машриқ” газеталари. Араб мамлакатларида шаклланган миллий ишбилармонлик ғояси турли сиёсий, маданий, маърифий, диний қарашлар таъсири остида борганлиги. Араб халқларида сиёсий фаоллик ва миллий ватанпарварлик руҳи шаклланишига Жамолиддин ал-Афғоний ва Муҳаммад Абдо катта ҳисса қўшганлиги.

XIX аср охирига келиб Миср мусулмон оламининг сиёсий ва матбуот марказига айлангани. “Миср”, “Ат-тижара”, “Ал-Кавкаб ашх-Шарқ” каби газеталар фаолияти. XX асрда араб газеталарининг мустақиллик, демократия ва эркинлик йўлидаги кураши.

### **Океания мамлакатлари ва Австралия матбуотининг тарихий тараққиёт босқичлари**

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари матбуоти мустамлакачилик кайфиятида фаолият юритгани. Сингапурнинг “Singapur kronikl” (1824), Бирманинг “Moulmeyn kronikl”(1836), Филиппиннинг “Del superior gobierno” (1811) газеталари.

1855-1890 йилда олти британия колонияларининг ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритгани ва 1901 йилдан Австралия федерацияси тузилгани. Иккинчи жаҳон урушида Австралия иштироки. “The national Times”(Нэйшенэл Таймс), “Smiths Weekly”(Смис Уикли), “The Sydney Truth” (Сидней трус), “The Melbourne Herald” (Мельбурн Геральд) каби газеталар фаолиятининг Австралия тараққиётидаги ўрни.

Филиппин роҳибларининг матбуоти. Таиланд қироли Монгутнинг “Бангкок рекордер” газетаси тахририятига ўз мақолалари билан иштирок этгани.



## **ХIХ-ХХ аср Ҳиндистон матбуоти**

Ҳиндистонда илк газеталар “Bengal gazette”(1816), “Kalkatta djornel” (1818) номлари остида нашр этилгани. Инглиз Джеймс Бакинҗемнинг Ҳиндистондаги журналистлик фаолияти. 1822 йилдан бошлаб “Bombey samachar” чоп этилиши Ҳинд тилида чоп этилган дастлабки газеталар 1885 йилдан бошлаб Бомбей шаҳрида Ҳиндистон Миллий Конгресси вужудга келиши мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги. “Bengali”, “Djugantar”, “Tribyun”, “Maxratta” ва “Kesari” каби газеталарнинг Миллий Конгресс билан яқин ҳамкорлик қилгани. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Ҳиндистон матбуоти тараққиёти.

## **XVII-XIX асрда Ўрта ва яқин шарқда даврий матбуотнинг ташкил топиши**

Эронда дастлабки газеталар ХIХ асрнинг биринчи ярмида, Фатҳ Алишоҳ даврида пайдо бўлганлиги. 1851 йилда биринчи дунёвий олий ўқув муассосаси – дорулфунуннинг очилиши, мамлакатда почта ва телеграф алоқаларининг йўлга қўйилиши, босмаҳона усулида китоб чоп этилиши. ХIХ асрнинг охирида Эронда оммавий ахборот воситалари ривожлана бошлади. 1905- 1911 йилларда биринчи Эрон инқилоби мамлакатда чоп этилган нашрлар сони 200 тага етгани. «Сури Исрофил», “Эроне нав”, “Ноҳид”, “Чайтае Побарахне”, “Насиме Шимол”, “Баҳлул” ва бошқа нашрлар даврнинг энг оммавий нашрлари эканлиги.

1953 йилда давлат тўнтариши матбуотга нисбатан кўрилган чоралар.

## **Ўзбекистон журналистикаси тарихи**

### **Туркистон(Ўзбекистон)да матбуотнинг юзага келиши арафасида сиёсий-ижтимоий вазият. “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”ни даврлаштириш**

Мазкур фаннинг Ўзбекистон давлат мустақиллигигача бўлган даврда ўрганилиш даражаси.“Ўзбекистон журналистикаси тарихи” фанининг ўрганиш объекти. Туркистонда матбуот юзага келишидаги сиёсий-ижтимоий вазият: ўлканинг чор Россияси томонидан босиб олинishi ва унинг Россия империяси таркибидаги бир ҳудуд сифатида ўзлаштирилиши. Туркистон генерал-губернаторлигининг ташкил этилиши. Биринчи генерал-губернатор Фон-Кауфманнинг Туркистонни ўзлаштириш юзасидан ишлаб чиққан режаси. Ўлканинг ер усти, ерости бойликларини ўзлаштириш, маҳаллий аҳолидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш режасининг амалга оширила бориши. Рушлаштириш сиёсати, мутабид ҳокимият режасининг амалга оширилишида матбуотга эҳтиёжнинг туғилиши. 1870 йили Туркистонда илк газеталарнинг пайдо бўлиши ва тараққий топиши. “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”ни даврлаштиришга уринишлар. Бунда амал қилинган принциплар. Мазкур фанни икки катта босқичга бўлиб ўрганилиши: 1. Мустабидлик даври Ўзбекистон журналистикаси тарихи. 2. Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси тарихи. Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга киритгунга қадар “Ўзбекистон журналистикаси тарихи”ни ўрганиш. Чўлпон, Зиё Саид, Абдулла Авлоний, Т.Эрназаров, А.Акбаров, Т.Пидаев ва бошқаларнинг мақола, рисола ўқув кўлланмаларига қисқача шарҳ ва тавсифлар.

### **“Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети” нашрларининг пайдо бўлиши, асосий мақсад ва вазифалари. Туркистонда цензура ва ахборот агентликлари. Хусусий газета ва журналларнинг ташкил этилиши**

Туркистонда пайдо бўлган илк газеталар: “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” нашрларининг олдида қўйилган вазифалар. Мазкур газеталарнинг мустабидлик сиёсатини ўтказишда ўйнаган роли. Ушбу нашрларнинг ёритган мавзу доиралари “Туркистон вилоятининг газети”(“ТВГ”)га муҳаррирлик

қилган ака-ука Иброҳимовлар, М.Чанишев, Н.П.Остроумов фаолиятига қисқача тавсиф. Ўлкада цензураинг амалга оширилиши. Туркистон матбуотини Октябрь тўнтаришигача таъминлаган ахборот агентликлари: Марказий телеграф агентлиги (ЦТА) ва Шимолий телеграф агентлиги(СТА). XIX аср охирига келиб хусусий босмаҳоналарнинг юзага келиши. Дастлаб Тошкентда, сўнгра Самарқанд, Қўқон, Наманганда юзага келган босмаҳоналар. Хусусий газета ва журналлар: “Окраина”, “Закаспийское обозрение”, “Русский Туркестан”, “Асхабад” ва бошқалар. “Средняя Азия”, “Среднеазитский вестник” ва бошқа журналлар. Уларнинг ғоявий йўналишлари. Ёритган мавзулари

### **Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келиши. Жадиждлар матбуотининг биринчи даври (1906 йил – 1917 йил Феврал тўнтариши)**

Туркистонда миллий матбуот юзага келишининг сиёсий-ижтимоий омиллари. 1905 йил 17 октябрь манифести. Унда Россия фуқароларига ваъда қилинган сўз, матбуот ва жимиятлар(фирқалар) тузиш эркинлиги. Бу эркинликлардан фойдаланиш учун бўлган ҳаракатлар. Мустабид ҳукуматнинг маҳаллий аҳолини алдаш учун ҳаракати. “Ўрта Осиёнинг умргузоронлиги. Тараққий” газетасининг ташкил қилиниши. Маҳаллий зиёлиларнинг мазкур газетага қизиқишлари. Уларнинг мазкур газетадан кутган нарсаларининг юзага чиқмаганлиги. Газетанинг чиқишдан тўхташи. Жадиждларнинг миллий газета чиқариш учун қилган ҳаракатлари. “Тараққий” газетасининг пайдо бўлиши. Унинг дадил туриб маҳаллий халқлар манфаатларини ҳимоя қилиши. Ҳукуматга бўлган муносабати. Эрк-озодлик ғоясининг туғилиши. Мустабид ҳукуматнинг газетани ёпиши. “Тараққий” муҳаррири Исмоил Обидийнинг қамоққа олиниши. “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Тужжор”, “Осиё” газеталарининг фаолияти. “ТВГ” билан миллий матбуот ораисдаги мафқуравий кураш. Бухорода жадиждлар матбуоти: “Бухорои шариф” ва “Турон” газеталарининг чиқиши. Тошкентда “Садои Туркистон”, Қўқонда “Садои Фарғона” газеталарининг юзага келиши, уларнинг фаолиятига қисқача тавсиф. Самарқандда “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журналининг фаолият кўрсатиши. Жадиждлар матбуоти билан бирга, Туркистонда уламолар нашрларининг пайдо бўлиши. “Ал-Ислох” журнали.

### **Муваққат ҳукумат даврида Туркистон (Ўзбекистон) журналистикаси**

1917 йил Феврал тўнтаришидан кейин Туркистонда юзага келган сиёсий-ижтимоий вазият. “Шўрои исломия” жамиятининг юзага келиши. Вақтли ҳукуматнинг Туркистон комитети. Ҳокимиятни эгаллаш учун зимдан бўлган кураш. “Туркистон вилоятининг газети” ва “Туркестанские ведомости” газеталарининг ўз фаолиятларини тўхтатиши. “Нажот” ва “Кенгаш” газеталари. “Турон” ва “Шўрои исломия” газеталарининг қисқа муддатли умри. Фарғонада юзага келган янги нашрлар. Туркистонда жадиждлар ва уламолар фирқаларининг тузилиши. Уларнинг органи бўлган газеталар. Самарқандда “Хуррият” газетасининг чиқиши. “Ал-Изоҳ” журналининг маслаги ва мақсади. “Улуғ Туркистон” газетаси олдида қўйилган вазифалар. “Хуррият”, “Кенгаш” ва “Юрт” журналларининг фаолияти.

### **1917 йил Октябрь тўнтаришигача бўлган даврдаги йирик публицистлар: Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев**

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицист сифатида шаклланиши. Адиб публицистикасининг мавзу доираси. Сиёсий публицистикаси. Маориф ва маданиятга бағишланган публицистик чиқишлари. Маҳмудхўжа Бехбудий публицистикасида Туркистоннинг истиқболи мавзуи. Бехбудийнинг саёхатномаси. Унинг муҳаррирлик фаолияти.

Мунаввар қорининг журналистикага кириб келиши. Унинг журналистик тақдирида “Тараққий”, “Хуршид”, “Садои Туркистон”, “Нажот” газеталарининг аҳамияти. Мунаввар қорининг мактаб ва мадрасалар ислоҳига бағишланган публицистикаси. Публицистнинг эскирган, ножойиз урф-одатларни танқид қилиши. Мунаввар қори публицистикасида сиёсий-ижтимоий мавзу.

Абдулла Авлоний публицистикасида таълим ва тарбия масалалари. Публицистнинг сиёсий-ижтимоий воқеаларга муносабат билдирган асарлари. Авлонийнинг “Афғон саёҳати” сафарномаси. “Шухрат” ва “Турон” газеталарига муҳаррирлик фаолияти.

Убайдулла Асадуллаҳўжаев – янги типдаги муҳаррир. Публицистикасининг етакчи мавзулари. Ҳуқуқий саводхонликни оширишга мўлжалланган мақолалари. Унинг сиёсий ва ижтимоий фаолияти.

### **Ўзбекистонда болшевиклар матбуотининг юзага келиши. Унинг Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврдаги тараққиёти хусусиятлари (1917 ноябр – 1941 йил июнь)**

Туркистонда ҳокимият тепасига болшевикларнинг келиши. Дастлабки шўро газета ва журналлари. Ориф Клиблеевнинг ўзбек шўро матбуотини юзага келтиришдаги ҳаракати. Шўро матбуоти ҳисобланмаган газета ва журналларни ёпиш тўғрисида Ленин имзолаган декретнинг (1917 йил, 8 ноябр) амалга оширилиши. Ўзбек зиёлилари эрк ва истиқлол учун курашларининг матбуотда зоҳирий ва ботиний кўринишлари. “Эл байроғи” газетасининг фаолияти. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши. Шўро матбуотида синфийлик ва партиявийлик принциплари. Матбуотга партиявий раҳбарликнинг моҳияти. Шўролар ҳукуматининг матбуот юзасидан қабул қилган қарорлари, СССРда социалистик жамият курилишида матбуот зиммасига юкланган вазифалар. Усмонхон Эшонхўжаев, Назир Тўрақулов, Мирмуҳсин Шермухамедов, Кабир Бакиров, Иброҳим Тоҳирӣ, Зариф Баширов, Қамчинбек, Муҳаммад Ҳасанов, Боту, Элбек, Олтой, Маннон Ромиз ва шу каби публицист ва муҳаррирлар ҳақида умумий тавсиф. Шўролар матбуотида жанрлар тараққиёти. Хорижда ўзбек матбуотининг пайдо бўлиши. “Ёш Туркистон” (Париж, 1929–1939).

### **Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат публицистикаси**

Абдулла Қодирийнинг илк публицистикаси. Адиб публицистикасининг мавзу йўналишлари. Ҳажвий публицистикаси. Очерклари.

Чўлпоннинг публицист сифатида шаклланиши. Публицист ижодида эрк, истиқлол мавзуи. Шўролар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнгги публицистик ижоди. Чўлпоннинг муҳаррирлик фаолияти.

Фитратнинг журналистикага кириб келиши. Унинг сиёсий публицистикаси. Фитратнинг адабий-танқидий ижоди. Муҳаррирлик фаолияти.

### **Шўролар матбуотининг Иккинчи жаҳон уруши ва ундан сўнгги даврлари (1941 – 1991 йиллар)**

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Шўролар матбуотининг уруш даври фаолиятига қисқача тавсиф. Урушдан кейинги – мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, “социализм курилиши узил-кесил ва тўла ғалаба қилиши”ни таъминлашда матбуотнинг вазифаси. Турғунлик йилларида шўро оммавий ахборот воситалари системаси. “Қайта куриш” даврида ОАВ. Шўро матбуотининг барҳам топиши. Шўро матбуоти юзасидан қисқача хулосалар.

## **Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси. Янги жамиятга мос матбуоти системасининг юзага келиши. ОАВ қонуний асосларининг барпо этилиши**

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритиши. Шўро матбуотининг барҳам топиб, янги жамиятга мос матбуот системасининг юзага келиши. Оммавий ахборот воситаларига оид қонунларнинг яратилиши. Матбуотда мустақиллик мавзуи. Миллий, тарихий ва диний қадриятларнинг тикланишида матбуотнинг ўрни ва аҳамияти.

**Ўзбекистон Республикаси матбуотида сиёсий-ижтимоий мавзу. Матбуотда иқтисодий, маънавий-маърифий муаммоларни ёритишга бағишланган материаллар.**

Кўзга кўринган публицистлар ижодига қисқача шарҳ.

### **Семинар машғулотларнинг тахминий рўйхати Жаҳон журналистикаси тарихи**

- Тарихий тараққиёт жараёнида оммавий коммуникациянинг асосий тушунчаси ва категорияси
- Қадимги Юнонистон, Рим ва Ўрта аср Европасида коммуникация воситалари
- Оғзаки публицистика (нотиклик санъати) машҳур нотикларнинг асарлари XVII-XVIII асрларда Европада даврий матбуот пайдо бўлишининг шарт-шароитлари
- XVII-XVIII асрда Англия сиёсий журналистикаси
- Француз буржуа революцияси даври матбуоти.
- XVIII асрда француз матбуотининг тараққиёти
- XVIII-XIX аср бошида Америка журналистикаси шаклланишининг хусусиятларини
- XIX асрда Ғарбий Европа ва АҚШ оммавий ахборотлари тараққиёти
- XIX аср рус журналистикаси.
- Россияда декабристлар ҳаракати даври журналистикаси
- XIX асрнинг охири ва XX аср бошида АҚШ журналистикаси тараққиёти
- XX аср оммавий ахборот тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари. Қадимги Шарқда протожурналистика
- Хитой матбуоти тарихи тараққиёти босқичлари
- Япония матбуоти тарихидан
  - Корея матбуоти пайдо бўлиши ва тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари
  - Танзимат даври турк матбуоти тараққиёти Араб мамлакатлари матбуоти тарихидан
  - Океания мамлакатлари ва Австралия матбуотининг тарихий тараққиёт босқичлари
  - XIX-XX аср Ҳиндистон матбуоти
  - XVII-XIX асрда Ўрта ва Яқин Шарқда даврий матбуотнинг ташкил топиши

### **Ўзбекистон журналистикаси тарихи**

- Туркистонда матбуотнинг юзага келишидаги ижтимоий-сиёсий муҳит.
- “Туркестанские ведомости” газетаси, “Туркистон вилоятининг газети” нашрлари, хусусий газета ва журналларнинг ташкил этилиши. Туркистонда цензура ва ахборот агентликлари.
- Миллий матбуот нашрларининг юзага келиши
- Жаҳидлар матбуотининг янги босқичи

- 1917 йил Октябр тўнтаришигача бўлган даврдаги йирик публицистлар: Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев
- Муваққат
- Ўзбекистонда болшевиклар матбуотининг юзага келиши.
- Шўролар матбуотининг Иккинчи жаҳон уруши ва ундан сўнгги даврлари (1941 – 1991 йиллар)
- Мустақиллик даври Ўзбекистон журналистикаси. Янги жамиятга мос матбуоти системасининг юзага келиши.

### **Семинар машғулотларни ташкил қилиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Маъруза машғулотларида олган билим ва кўникмаларни мустақамлайдилар ҳамда янада бойтадилар. Бунга жамоа ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Мустақил ишлашда дарсликларни, ўқув қўлланмаларни, услубий қўлланмаларни, тарқатма ва кўргазмаларни аҳамияти каттадир.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари ўқув режада кўзда тутилмаган

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши ўқув режада режалаштирилмаган

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- мавзуларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- мавзулар бўйича реферат тайёрлаш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- илмий мақола ва тезисларни тайёрлаш;
- фаннинг долзарб муаммоларини камраб олувчи лойиҳалар тайёрлаш;
- назарийбилимларни амалиётда қўллаш;
- амалиётдагимавжудмуаммоларнинг гечиминитопиш;
- ўрганилаётган мавзу бўйича асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Таълим жараёнида инновацион технологияларни, ўқитишнинг интерфаол усулларини қўллаш талаба томондан мустақил танланади. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш тизимли тарзда, яъни узлуксиз ва узвий равишда амалга оширилади. Талаба олган назарий билиминини мустақамлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзунини пухта ўзлаштириши учун мустақил равишда тайёргарлик кўриши керак.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари Жаҳон журналистикаси тарихи**

- Жаҳон журналистикаси тарихи предмети ва тушунчаси ҳақидаги назарий адабиётларни кўриб чиқиш
- Тарихий тараққиёт жараёнида оммавий коммуникациянинг асосий тушунчаси ва категорияси бўйича карточкалар тузиб чиқиш.
- Қадимги Юнонистон, Рим ва Ўрта аср Европасида коммуникация воситалари ҳақида кўрсатилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда карточкалар тузиб чиқиш.

- Оғзаки публицистика (нотиклик санъати) машҳур нотикларнинг асарларини танишиб, конспект қилиб чиқиш.
- XVII-XVIII асрларда Европада даврий матбуот пайдо бўлишининг шарт-шароитлари мавзуси бўйича адабиётларни конспект қилиш.
- XVII-XVIII асрда Англия сиёсий журналистикаси мавзуси бўйича памфлетларни ўқиб чиқиш.
- Француз буржуа революцияси даври матбуоти. XVIII асрда француз матбуотининг тараққиёти мавзуси бўйича француз публицистларининг асарларига карточкалар тузиш.
- XVIII-XIX аср бошида Америка журналистикаси шаклланишининг хусусиятларини карточкаларга ёзиб, уларни кўрсатиш.
- XIX асрда Ғарбий Европа ва АҚШ оммавий ахборотлари тараққиёти мавзусидаги адабиётлар билан танишиб чиқиш.
- XIX аср рус журналистикаси. Россияда декабристлар ҳаракати даври журналистикасини конспект қилиш.
- XIX асрнинг охири ва XX аср бошида АҚШ журналистикаси тараққиёти мавзуси бўйича дарсликларни конспект қилиш.
- XX аср оммавий ахборот тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари бўйича карточка тузиб чиқиш.

### **Ўзбекистон журналистикаси тарихи**

- Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик асарларини таҳлил қилиш.
- Мунаввар қорининг публицистик мақолаларини таҳлил этиш.
- Абдулла Авлонийнинг публицистик мақолаларини таҳлил қилиш.
- Абдулла Қодирийнинг ҳажвий публицистикасини таҳлил этиш.
- Чўлпоннинг публицистик асарларини таҳлил қилиш.
- Ҳожи Муиннинг публицистик асарларини таҳлил этиш
- Абдулҳамид Мажидийнинг ҳажвий публицистикасини таҳлил қилиш
- Шўро даври ўзбек очерклари ва фелъетонларининг намуналари билан танишиш
- Мустақиллик даври ўзбек матбуотидаги мустақиллик мавзуидаги публицистик мақолаларни таҳлил қилиш
- Мустақиллик даври матбуотида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ёритилиши
- Мустақиллик даври матбуотида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мавзуининг ёритилиши
- Мустақиллик даври матбуотида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури масалаларининг ёритилиши
- Мустақиллик даври матбуотида миллий истиқлол ғояси масалаларининг ёритилиши

### **Дастурнинг инфор­мацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида:

- Жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасининг таркиби бўлимига тегишли маъруза дарсларида ўқув услубий мажмуадан;
- амалий машғулотларда, хусусан, турли даврлар ва мамлакатлар журналистикасининг амалий жиҳатларини ўрганишда таълим технологияларидан, амалий иш ўйинларидан;
- Ўзбекистон журналистика тарихини даврлаштириш масалаларига тегишли дарс машғулотларида таълимнинг бошқа методларидан фойдаланиш назарда тутилган.

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

### **Асосий адабиётлар:**

1. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи.– Т.: Гафур Гулом . 2009.
2. История мировой журналистики. –М., 2006.
3. Муминова Ф.И. Матералы к курсу «История мировой журналистики». – ТашГУ., 1998.
4. Мўминов Ф., Нурматов А. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. –Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашри, 2006.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. 1-2- китоблар. – Т.: Академия, 2008.
2. Введение в мировую журналистику (хрестоматия). – М., 2008.
3. Дўстқораев Б. Фарғонада миллий матуботнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши тарихидан. Фарғона журналистикаси. –Т.: Шарқ, 2009.
4. Кузнецова Т.П., Стрелкова И. П. Ораторское искусство в Древнем Риме. – М., 1976.
5. Тоҳир Фидойи. Матбуот – миллат чироғи. – Т.: Қомус, 1999.

### **Интернет сайтлари:**

1. [journ.msu.ru](http://journ.msu.ru)
2. [jf.psu.ru](http://jf.psu.ru)
3. [inosmi.ru](http://inosmi.ru)
4. [newyorktims.com](http://newyorktims.com)

